

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич, Муборак 60 ёшга тулган кунингизда Сизга энг эзгу истакларимни йўллашдан мамнунман. Сиз бу кунни соғ-саломат ва бардам ҳолда қутиб олаётганингизга ишончим қомил. Сизнинг энг юксак баҳога муносиб машаққатли фаолиятингиз туфайли қардош Ўзбекистон халқаро нуфузга эга бўлган қудратли ва дилал одимлар билан ривожланиётган давлатга айланди.

Бизнинг илгаридан мавжуд ўзаро муносабатларимиз тобора ривожланиб, мустақам дўстлик касб этгани ҳамда икки Президентнинг самарали алоқалари гарови бўлибгина қолмай, айти пайтда икки мустақил давлат — Ўзбекистон билан Грузияни боғлаб турган мустақам ришталарнинг яна бир бўғинига айланганидан бахтиёрман. Грузия халқи Сизни мамлакатларимизнинг тобора кенгайиб бораётган ҳамкорлиги икки томонлама доирадан чиқиб, қўшлаб қўшниларимизнинг ҳам муҳим манфаатлари манбаи бўлишида салмоқли ўрин тутган содиқ дўст, деб билади.

Фурсатдан фойдаланиб, бошимни кўкка етказган самимий табригингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этман.

Сизга бахт-саодат ва узоқ умр тилайман.

Камоли эхтиром ила,

Эдуард ШЕВАРДНАДЗЕ, Грузия Президенти.

ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИ ТУРК ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Ислохотлар ва барқарорлик" деб номланган китоби Анкарада турк тилида босмадан чиқди. Мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос тарққиёт йўли ҳаққоний равишда акс этган мазкур асар Ўзбек - Турк лицейлари бош мудирлиги томонидан таржима этилиб, нашр қилинди.

Мазкур китобга Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирал сўзбоши ёзган. Унда, жумладан, бундай дейилади: "Буюк давлат қурган Амир Темурни ва Бобурни туркий халқларнинг энг порлоқ юлдузлари, дея оламиз. Янги асрга қирар эканмиз, ривожланган ва тарихининг олтин илдиэларига қайтган мустақил Ўзбекистон борлигини кўриб турибмиз. Бу қайтиш даврининг амалга ошишида қадри қардошим Ислам Каримовнинг раҳбарлиги мени янада севинтирмоқда..."

...Китобнинг биринчи бўлимидаги муҳтарам Ислам Каримовнинг ҳаётини ўқиганимда, шунинг оқибатига эътироф этишим керакки, Ислам Каримов халқ ичидан чиққан ва ўз халқини кўнгилдан севган, давлатнинг ривожланиши учун чин кўнгилдан меҳнат қилган давлат арбобидир. Яна шу бўлимда азиз қардошимнинг "қули соғлом фикр юритиш стратегияси" борлигини кўрдим...

...Бу қимматли асарнинг айти ривожланиши йўналишидаги туркий жумҳуриятларга йўл кўрсатиши ва тарихда ўз ўрнини топиши шубҳасиздир". Турк тилида чоп қилин-



ган мазкур китобга Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси Раиси Ҳикмат Четин ҳам сўзбоши ёзган. У Президент Ислам Каримовнинг мазкур асарига сўзбоши ёзмақ учун ўзига жой ажратилганидан бениҳоя фахрланганини изҳор этиб, жумладан, бундай дейди:

"Хурматли Президент Каримовнинг бу китобидан иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши учун ижтимоий ва сиёсий барқарорлик асосий омил бўлганлиги ифодаланган. Барқарорлик ва иқтисодий ислохотлар ўлканинг ва ўзбек халқининг ривожланишида имкон қадар ташқи сиёсат нуқтани назардан ҳам керакли бўлганини кенг ва таъсирли тарзда ўртага ташлаган".

Китобда Ўзбекистоннинг тарққиёт йўли, ислохотларни амалга оширишдаги ўзбек модели ҳақида теран фикр юритилган. Шунингдек, асар муаллифи — Президент Ислам Каримов ҳаётидан лавҳалар ҳам берилган.

Китоб "XX аср лидерлари" туркумида нашр этилган.

(ЎЗА)

ЖАМЛ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 11 февраль чоршанба Сوتувда эркин нарҳда. № 31 (1812)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

COAT Миллари СЕШАНБА ХАВАРЛАРИ

ХУШ ХАБАР

ГОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Бадий академияси Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик юбилейи рамизи (эмблемаси) учун танлов эълон қилган эди.

Мазкур танловда республика миқлининг турли ҳудудларидан йигирмага яқин профессионал ва ҳаваскор расом ўз лойиҳаси билан иштирок этди, дея хабар беради Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.

Таниқли миниатюрчи расом, академик Ниёзали Холматов яратган лойиҳа танлов голиби деб топилди.

ЯНГИЛИК

БИР БЕМОРГА УЧ ХОНА

Ёзбонда юқумли касалликлар шифохонаси ишга тушди. У 52 ўринли. 60 миллион сўм сарфланиб, қурилган бино жуда шинам. Қариндош-уруғ, ёр-биродарлар у ерда даволанаётган бемор билан экран орқали мулоқот қилишади. Бу ўз ўрнида гигиена ҳамдир.

— Яна эътирофли томони, бир беморга учта хона хизмат қилади, деб ёзбди жамоатчи муҳбиримиз Азимжон Худойқулов.

ҲУРМАТЛИ ТАХРИРИЯТ

«СОАТ МИЛЛАРИ» ДАН МИННАТДОРМИЗ

Биз, қишлоқ аҳли газетанинг қучини ҳас этдик. Сабаби, оғиримизни енгил қиладиган — «Нишон — Оқ олин» йўналишидаги автобуслар тўхтаб қолганди. Бу ҳақида «Халқ сўзи»га мурожаат қилгандик.

Арз-додимиз газетанинг ўтган йил 3 декабр соинда чоп этилди. Қарангки, ўша кунгидеъ гоийб бўлган автобуслар яна «сигналини» чалиб қишлоғимизга кириб келди.

— Хуллас, сизларга раҳмат. Хузур қилиб, автобуслардан фойдаланаямиз.

Жамоа номидан Н. АЛПОНОВ.

АЖАБО

ЎГАЙ КҮЧА

Сиз бу ҳақида эшитмагандирсиз. Унда эшитинг. Собир Раҳимов туманидаги «Оқ тепа» маҳалласининг Абсам Иброҳимов кўчасида яшовчилармиз. Атрофимиздаги кўчалар каналлаштирилган. Аммо биз бундан баҳраманд эмасмиз. Бу ишни бошлаган қурувчилар эса ном-нишонсиз кетганларига анча бўлди. Хонадонлардан чиқаётган оқова сувлардан ўтолмай, чивилларга таланиб ётибмиз.

Бир неча бор мутасадди ташкилотларга боравериб нарчадик. Ҳеч натижа чиқмапти. Энди, сизлардан илтимос. Бизнинг унутилган кўчани бир бор эслатиб қўйсангиз, зора натижа чиқиб қолса.

Маҳалла аҳли номидан А. САҒИТОВ, Ф. ОРИПОВ.

КРИМИНАЛ

АЁЛ ЯРИМ ТОННА ЮКНИ КЎТАРАДИМИ?

Бойлик орттиришга ҳисс қўйган кимсалар кўнчилигини дол қолдирди, — дея хабар беради сурхондарёлик журналист Жовли Хушбоқов. — Яқинда Узуи темир йўл божхонаси ходимлари 500 кг. юк орқалаган икки аёли кўлага туширишди. Кўнчилик ҳайрон: ахар бунча оғир юкни полов йиғит ҳам кўтара олмайдикун? Лекин қарангки, «Кўрғонтепа — Душанбе» поездининг Сариев бекетида сиви фоти этилган ва «норгул» аёллар ярим тонна мол дўштини Тожкистонга олиб бориб пуллашмоқчи бўлишган. Зебо Абдуллаева ҳамда Зулфия Сафарова асида Душанбе шайрида яшашликлари аён бўлди...

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

«Соат миллари»ни Қурбон ЭШМАТ қузатди.



Бахтиёр билан суҳбатлашсангиз, ўз иши ҳақида эмас, жамоадошлари, Тошкентдаги қурилиш кўлами хусусида кўпроқ саниради. Айниқса, мустақиллик йилларидан кейин пойтахтга амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари тўғрисида тўлиб-тошиб сўзлайди. Бу яратувчиликда ўзи меҳнат қиладиган «Тошкентчелтақурилиш» трестига қарашли 39-қурилиш бошқармаси жамоасининг ҳам муносиб улуши борлигидан фахрланади.

Доншлар демисларки, ўз Ватанининг равнақи, юртининг ободлигидан қувонган фарзанд масъулятидир, аймон-этиқолидир. Демак, Бахтиёр Беков сингари элдошларимиз, Ватан суякчлари бор экан, келажакимиз йўли равшан ва файзиёб бўлиб бораверади.

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ СОВФАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Сирдарё вилояти, Ховос туманининг Сармич қишлоғида истиқомат қилувчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Нарзулло бобо Ҳожиёв Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан йўлбошчимизни муборакбод этиб, тулпор совға қилган экди.

Отaxonнинг хатида, жумладан, шундай сўзлар битилган: "Мен сизни элпарвар, эрқарпар, халқи учун фидойи инсон сифатида яхши биламан. Эсингизда бўлса керак, бундан етти йил муқаддам мен Сизнинг қабулингизда бўлиб, вилоятимизнинг энг узоқ, чекка, тоғоли қишлоқлари аҳолиси номидан юратгимиздаги ларду ҳасратини тўкиб солгандим, йиллар бўйи ҳал этилмади келатган муаммоларимиз сув ва газни тилга олган экдим.

Сиз, муҳтарам Ислам Абдуганиевич, мента бир пиёла чой бериб, ҳамма гапимни эшитиб бўлгач, кўнглимни тоғдек кўтардингиз. "Сизларга, албатта, ёрдам берамиз. Ўлга хизмат қилиш бизнинг вазифамиз-ку" деган сўзларингиз ҳамон қулоқларим остида жанрлаб турибди.

Орадан кўп ўтмади, биз кўтарган масалаларини ҳал этгани мутахассислар келишиди. Катта ишлар бошланиб кетди. 900 метр баландликка оқар сув қирилди. 64 километрга сув келтирилди, 74 километрга газ қувури тортилиб, "зангори

овол" олиб келинди. Бундан ташқари, ҳамма қишлоқларимиздаги эски мактаблар ўрнига янгилири қурилди, тўртта замонавий қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди.

Биргина бизнинг қишлоқларимизда шунча улкан ишлар амалга оширилди. Агар республика миқёсида оладиган бўлсак, унинг чеки-чегараси йўқ. Бу ўзгаришлар, албатта, Сиз туфайлидир. Бу истиқлолимиз, Сиз бошлаган ўзимизга хос, ўзимизга мого йўлдан бораётганимиз самарасидир. Шунинг учун ҳам биз ўзбек халқининг Сиздек азиз фарзанди борлигидан ҳақли равишда ифтихор қиламиз. Зеро, Сизнинг таваллуд кунингиз ийди Рамазон кунин билан баравар келганида ҳам рамзий маъно бор. Бу маънони Оллоҳ таоло Сиздек мўътабар инсонни бизга етакчи қилиб қўйганида деб

биламиз.

Халқимизнинг бахтига омон бўлинг. Дунё турғунча туринг. Менинг ёшим саксондан ошди. Менинг ёшимга етганингизда ҳам халқимизга бон бўлинг".

Нарзулло бобо Ҳожиёвнинг ана шу мазмундаги табрик хатидан миннатдорлик сифатида Президентимиз отaxonга совға-саломлар юборди.

Сармич қишлоғида Президентнинг Нарзулло бобого совға-саломларини топшириш маросими бўлди. Давлатимиз Раҳбари номидан совғаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ишлар бошқарувчиси Зилемхон Ҳайдаров ва вилоят ҳокими Уктам Исмомилов топширди.

Отaxon йўлбошчимизни ва бутун халқимизни дуо қилди.

Ф.НОРМАТОВ, ЎЗА муҳбири.

ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

ҚАРОР ЯХШИ, ИЖРОСИ-ЧИ?

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ аҳолисинга пуллиқ хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу аввало, одамлар эҳтиёжини қондириш, иккинчидан, ҳазиннага нақд пул тушумини кўпайтириш таъминлайди. Бунинг яхши тушуниган вилоят машииний хизмат уюшмаси жамоаси иложи борича хизмат турларини кўпайтиришга ҳаракат қиляпти.

Уюшманинг ўтган йилги фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда бир йил мобайнида 402 та шохоба очилган. Булар асосан тивувчилик, радио-телевизор ва уй-рўзгор буюмларини сошлаш, пойнабзал тузатиш, сураткашлик, сартарошиқ каби йўналишларда бўлиб, уларда 536 нафар ишчи ишламоқда. Хизматлар тури эса шу даврда ўн тўрттадан йигирма биттага кўнлайди.

Кўнчиқ аҳолисинга режадигидан қарийиб 3 миллион сўмдан кўпроқ хизмат кўрсатилди. Нақд пул тушуми олдинги йилга нисбатан 241 фоиз ўсди.

Янгидан кўриб ишга туширилган маҳалла гузарларининг ҳар бирида 6-10 тадан машииний хизмат шохобаси ишга туширилди. Зардиқлик, пойнабзал тикчи, калькулятор, касса аппаратлари, аудио-видео техникаларини сошлаш каби устаконалар Жиззах шаҳрида биринчи марта ишга туширилди. Соҳага қизиқувчи ишларда 400 нафари ўқитилди, мустақил иш қилари билан таъминланди.

Булариинг ҳаммаси яхши, албатта. Эришилган ютуқлардан кўз юмиб бўлмайд. Бироқ, уюшма раисининг ўринбосари Маматқул Эризааров билан суҳбат асносида ҳали

максус рўхсатномасиз фаолият кўрсатмоқда.

1997 йилнинг мартида вилоят ҳокимининг «Машииний хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Шу ҳужжатга асосан туман ҳокимининг ҳам тегишли қарори чиққан. Бироқ ушбу қарорлар ижроси ўттиз фоизга бажарилди, ҳолос.

Вилоят ҳокими қарорининг бир бандида белгилаган тадбирлар талабларини бажариш шайсан шаҳар ва туман ҳокимлари зиммасига қўйилган таъкидланади. Мулкчилик шайқидан қатъи назар, барча шохобаларини уюшма атрофига бириштириш, уларнинг ҳисоботларини йўлга қўйиш вазифини «Истиқболстат» бўлимига таъкидланади. Солик идораларига эса рўхсат гувоҳномаси бўлмаган шохобалар фаолиятини таъкидлаш, ҳўжалик ва қорхоналар раҳбарларига қишлоқлардаги машииний хизмат шохобаларининг ижара ҳақлари, электр, сув, газ тўловларини ўз вақтида тўлашни таъминлашга ёрдамлаштириш кўрсатилаган. Амалда қарорнинг бу бандлари ҳам бажарилгани йўқ. Сабаби аён. Патентни уюшмага аъзо бўлишни хоҳламайдилар. Чунки ундаги манфаатдорликдан, иштиёқлардан бекбар. Шу боис, ниёти битта: солик тўласа бас, қолган даромад чўнтакка. Унда на иш тартиби, на интизом бор. Айниқса, сартарошична, пойнабзал ва уй-рўзгор буюмларини сошлаш устаконалари қўнча ёпиқ туради. Устаннинг хаёлида «бу меннинг хусусий мулким, хоҳлаганимни қўламан», деган тушуна ҳўмрон.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ОИЛА, АЁЛ ВА ҲУҚУҚ

Андижонда ана шу мавзуда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари, шаҳар ва туманлар халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, шунингдек, вилоятдаги олий ва ўрта махусе ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этди. Семинарни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Юсупов бошқарди.

Бонш вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Фуломова кун тартибиданга масала бўйича мурожаат қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш борасида жула катта ишлар амалга ошириляётганини таъкидлади. 1998 йил Президентимиз томонидан Оида йили деб эълон қилинганлиги бунинг ёркин далилидир. Ушбу йил дастурига мувофиқ хотин-қизларнинг маданий-маърифий ва ҳуқуқий сависини анда юксалтириш, оида соғлом муносабатларини шакллантириш, ёшларни ота-она, эл-юрт, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардир. Уларни муваффақиятли бажариш кўн жиҳатдан оида, мактаб, ўқув юртлари, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг яқин ҳамкорлигига боғлиқдир. Семинарда ана шу масалаларга доир тавсиялар берилди.

Анжуманда инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Сандов сўзга чиқди.

К.НИЗОМОВ, ЎЗА муҳбири.

САНАЦИЯ САБОҚЛАРИ

Маълумки, ҳукуматимиз кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Қуни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кишлоқ ҳўжалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам бу йўлда қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг республика бўйича 662та ҳўжалик зарар билан яқунлади. Шундан 104таси санацияга киритилди. Ўзбекистон Республикасининг «Кишлоқ ҳўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, мазкур ҳўжаликларнинг ҳар бирига ташқи бошқарувчи тайинланди. Шу ўринда ташқи бошқарув нима деган савол турғилиши табиий.

ТАШҚИ БОШҚАРУВ: У НИМА ДЕГАНИ?

Хоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясига келишиш учун тавсия этади. Шундан сўнг номзодлар ҳукумат комиссиясининг аъзолари ўртасида кўпчилик овоз билан маъқуллангандан кейингина туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланади.

Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ташқи бошқарувчиликка номзодлар тавсия этишда санациянинг моҳиятини чуқур тушунамасдан, ҳамон эскича ёндашув ҳолатлари рўй бермоқда.

фурсат ичида ундириш, мулкчиликнинг энг самарали усулларини жорий этиш, ишни бизнес режа асосида ташкил қилиш юзасидан аниқ тавсиялар берилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, ташқи бошқарувчиликка тайинланган ва тавсия этилган баъзи раҳбарлар иқтисодий ва ҳуқуқий сабабларнинг саъзлиги баъб, ички имконият бориқча қарамасдан санацияни дотация деб тушунишмоқда.

пукта асосланмаган. Масалан, кишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорликнинг асосий омилларидан бири бўлган ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар жуда суғ кечмоқда.

Оққўрғон туманидаги «Султонобод» жамоа ҳўжалиги пахтачилик ва галлачиликка иқтисослашган бўлиб, ўтган йилни 22,266 млн. сўм зарар билан яқунлади. Ҳўжаликнинг умумий ер майдони 3081 гектар бўлиб, шундан 1485 гектари сугорилган ер майдонини ташкил қилади.


рар билан ишлаши, ҳосилдорликнинг жуда пастиги сабабларидан яна бири, бу ернинг мелiorатив ҳолатининг ёмон аҳволда эканидир. Устига устак, узоқ йиллар зовур ва дренажлар тозаланмаган. Натияжада экиладиган умумий ер майдонидан 181 гектари ўта шўрланганлиги, 300 гектари эса ўртача, 400 гектари камроқ шўрлангани оқибатида ҳўжалик режага нисбатан 648 тонна кам пахта ҳосили етиштирган.

«Сур-хонтўқима» ҳиссадорлик жамияти Жар-қўрғон туманидаги энг йирик санаот корхонаси ҳисобланади. Меҳнат аҳли 1998 йили ҳам яхши кўрсаткичлар билан бошланди.

Бу ерда асосан кечagina ўрта мактабни тамомлаган керак», — деган сўзларни эслайдиган бўлсак, ҳақиқатда ҳам кишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, фаровон ҳаётни таъминлаш мақсадида ўтказилиши режалаштирилётган санация тадбирининг самарали ўтиши ҳар бир кишининг фидойилигига боғлиқ.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари санацияга тушган ва тушмаган ҳўжаликларда маҳаллий мутахассисларни, иқтисодчи ҳамда ҳисобчиларни ҳўжалик юритишнинг янги шакл ва усуллари асосида тайёрлаш, уларни бозор иқтисодиёти талаблари даражасида ўқитиш ва малакасини ошириш, шунингдек, харажатларни ҳисобга олиш ва ҳисоб-китоб тизимини тубдан яхшилаш, ернинг мелiorатив ҳолатини, урғучилик ва наслчилик ишларини яхшилаш ва ҳўжаликларни қайта техник қуролантириш бўйича регионал дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга талбиқ этиш жараёнида астойдил меҳнат қилишлари лозим.

Одил ҲАМРОЕВ, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси бошқармаси бошлигининг муовини, иқтисод фанлари номзоди.



Бу ерда асосан кечagina ўрта мактабни тамомлаган



ПУДРАТ ИШЛАРИГА ТАНЛОВ

Наманган вилояти кишлоқларида қурилиш баъзан чўзилиб кетаётган янги кишлоқ даволаш пунктлари эндиликда қатъий белгиланган мuddатда ишга туширилади.

Н. ХўЖАЕВА, ЎЗА мухбири.

қилоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда. Улар тўқувчи-инструктор Ҳайитгул опа Қоржововадан касб сирларини пукта ўрганиб, эндиликда мустақил равишда дастгоҳларни бошқармоқдалар.

КИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ КўРГАЗМАСИ

Самарқанд кишлоқ ҳўжалиги институтида кишлоқ ҳўжалиги машиналари, уларнинг эҳтиёт ҳамда бутловчи қисмларининг кўرғазма-ярмаркаси ўтказилди. Унда «Ўзқишлоқҳўжаликмаш-холдинг» компаниясига қарошли корхона ва фирмаларнинг маҳсулотлари — турли хил машина-механизмлар намойиш этилди.

СИФАТ — АСОСИЙ МЕЗОН

Нукусдаги «Довуд» ҳиссадорлик жамиятида «Олтой» русумли тракторлар мотори таъмирлана бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, ҳозирдаёқ 350 та мотор сифатли таъмирдан чиқарилди.

А. ИСКАНДАРОВ, ЎЗА мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ



Ҳамма нарса вақтдан кўради, вақт эса Миер эҳромларидан.

ВАЗИЯТ БИРОЗ ЮМШАДИ Ироқ Президенти Саддам Ҳусейн ниҳоят БМТ инспекторларига «Президент объектларини» текширишга рухсат берганини эълон қилди. Фақат инспекторлар таркибига қўшни араб давлатларидан ҳам вакиллар бўлиши лозим, деган тақлиф ҳам илгари сурилди.

ЯНА ДОВУЛ ХУРУЖИ АҚШнинг Тинч океани соҳиллари кучли довул туфайли сув остида қолди. Кўплаб турар-жой бинолари, йўллар жиддий шикастланди.

АФҒОНИСТОНДА ЗИЛЗИЛА Афғонистоннинг генерал Аҳмад Шох Маъсуд назорат қилаётган шимолий-шарқий худудда икки марта кучли зилзила содир бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, зилзила натижада минглаб кишлоқ ҳўжалик бўлган ва бошлансиз қолган.

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САФАРИ Россия Президенти Б. Ельцин расмий ташриф билан Италияга кетди. Ташрифдан қузаланган мақсад Италиянинг дунёга машҳур фирмалари билан қўшма корхоналарни барпо этиш ва ушбу мамлакат ҳусусий сармояларини Россияга жалб қилишдан иборат.

ШАРТНОМА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛАДИ АҚШ Президенти Б. Клинтон Конгрессга АҚШ ва Латвия ўртасида 1993 йил тузилган билиқ овлаш тўғрисидаги шартнома муддатини 1999 йил 31 декабрга қўшничи сўраб муржаат қилди.

Хориж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Мумкин. Агар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тайёрланган «Портловчи моддалар билан амалга ошириладиган кўпуровчиликка қарши кураш бўйича Халқаро Конвенция»ни дунёдаги барча мамлакатлар имзоласа ва унга қатъий амал қилса, Бу ташаббусни дунёнинг ривожланган саккиз мамлакат бошлаб берди.

Авалло, мазкур халқаро ҳужжатнинг юзга келиши сабаблари ҳақида тўхталасак. Портловчи моддалар билан кўпуровчилик қилиш сайёраимизда тобора кенг тарқалётгани халқаро жамоатчиликини қаттиқ ташвишга солаётгани маълум.

АҚШ давлат департаменти эълон қилган ҳисоботда келтирилган қўйилган рақамларни кўриб, кишининг кўпуровчилик ва унинг ижрочилигига нисбатан нафратли ошши турган гап. 1996 йил сайёраимизда 296 та халқаро кўпуровчилик ҳаракати содир этилди.

1987 йили дунё миқёсида рекорд даражада — 665 та халқаро террорчилик ҳаракати содир этилган эди. 1996 йилда уш берган кўпуровчилик ҳаракатлари юзасидан рақам билан таққосласак, у сон жиҳатдан анча қаматланган бўлиши аниқ. Бироқ жиноатчилар ўзларининг жирканч мақсадларини амалга ошириш учун янада кучли портловчи воситалардан фойдаланаётган. Яъни, террорчилик сони қаматланган.

ҳиш оқибатларга олиб келадиган ҳаракатлар нишонига аксар ҳолларда беайб тинч аҳоли дучор бўлаётди. Табиийки, террорчилик дунёнинг барча давлатларида бирдек қораланади. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам.

Халқимизда «Бирни кўриб фикр қил, бири кўриб шукр қил» деган нақл бор. Дунёнинг турли нуқталарида бўлаётган бундай нотинчликларга қараб, беихтиёр юртимизда кечаётган осуда ҳаётга минг бор шукрона айтасан киши.

Минтақамизда барқарор тинчликка эришиш борасида гап кетганда, Президент Исро Каримовнинг «Ўзбекистондаги катта бойлигимиз юртимиздаги барқарорликдир», деган сўзлари нечоғли пурамола экани яна бир бор аён бўлади.

БМТнинг мазкур Халқаро Конвенцияси портловчи моддалар билан амалга ошириладиган кўпуровчиликнинг жинсий жаобгарлик сифатида ўз баҳосини бериш, террорчиларни жазолаш, уларни қўлга олишда давлатларро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни қамраб олган.

Самдурод РАҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

дан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдиришмоқда», деган сўзлари ҳеч қимни бекфарқ қолдирмайди. Зеро, тинчлик ҳар қачон, ҳар қандай шароитда ҳам фаровонлик ва тараққиёт учун зарур омил саналиб келган.

Маълумки, ҳозирда дунёнинг кўплаб давлатлари Ўзбекистон билан ўзаро тенглик асосида ҳамкорлик қилаётди. Бироқ шунинг ҳам эътиборга олиш жоизки, бу ҳамкорлик фақатгина табиий бойликларимиз ёки иқтисодий салоҳиятимиз туфайли эмас, балки мамлакатимизда мустақам барқарорлик ҳўкм сураётгани билан ҳам изоҳланади.

БМТнинг мазкур Халқаро Конвенцияси портловчи моддалар билан амалга ошириладиган кўпуровчиликнинг жинсий жаобгарлик сифатида ўз баҳосини бериш, террорчиларни жазолаш, уларни қўлга олишда давлатларро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни қамраб олган.

Тайёрланган маҳсулотларни мамлакатимиздаги кийим-кечак ишлаб чиқарадиган корхоналардан ташқари Швейцария, Германия, Япония, Хитой сингари ўнлаб хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

КўШМА КОРХОНАЛАРДА КУНИГА 12 ТОННА КАЛАВА ИП

Шуниси эътиборлики, ўзининг пишиқлиги, бежирим ва сифатлиги билан харидорлар эътиборини тортаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган кўшма корхоналар бугунги кунда вилоят марказидагина эмас, балки олис кишлоқларда ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Балиқчи туманидаги Чинобод кишлоғида Ўзбекистон-Америка кўшма корхонаси иш бошлагач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аввалгига нисбатан бир ярим баробар кўпайди. Марказий Осеида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди ёрдами билан барпо этилган мазкур корхонага ривожланган мамлакатлардан замонавий дастгоҳлар келтирилди.

Уларни асосан маҳаллий ёшлар бошқармоқда ва кунига 12 тонна атрофида калава ип тайёрлашга эришмоқда.

Тайёрланган маҳсулотларни мамлакатимиздаги кийим-кечак ишлаб чиқарадиган корхоналардан ташқари Швейцария, Германия, Япония, Хитой сингари ўнлаб хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Оила МЕХНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК

Қашқар — Бешарик туманининг қадимий кишлокларидан. Истиклол йилларида бу сўлим гўшага ҳам тоза ичимлик суви келтирилди, газлаштирилди. Бу хайрли ишдан аҳоли мамнун. Одамлари ўзро аҳил, яхши-ёмон кунларидан бир-бирига кўмак беришга интилади. Маҳалла оксоқоли Абдурахим Кенжаев эса жуда гайратли, ҳалол ва тошқилотчи инсон. Ҳамиша кексалар билан маслаҳатлашиб, ҳамқишлоқларининг тўғ маъракисига бош-қош бўлади.

— Кишлоқдаги қайси хонадонга ҳавас қиласиз? — деб сўрадим Абдурахим акадан.
— Тошпўлат акаларнинг оиласи жуда файзли-да, — деди у киши. — Шу чоққача келинларнинг биронтаси жанжал қилмаган, уйига араблаб кетмаган. Аслида ўғиллари ботарибия, эсли-хушли йигитлар. Ойлада тотувлик, инон-иттифоқлик бўлса, кут-баракат аримас экан. Яхшиси, шу оилага унингиз бир кириб кўринг.

Оқсоқолнинг маслаҳати билан Тошпўлат Ўйлошевнинг эшигини чақириб бордим. Дарвоза ёнидаги уйда, отақон телевизор қўриб ўтирган экан. Очқич чехра билан кутиб олди. Тожиниса ая дарров олдимиғиза дастурхон ёзди.
— Ўғилларингиз кўринмайди?— дея сўрадим хонадон соҳибидан.

— Ҳаммаси ишга кетишган, — дея жавоб қилди отақон. — Кечқурун йигилиб келишади.

Тошпўлат отанинг умри далада ўтди. Жамоа ҳўжалигининг 8-бригадасида суви эди. Ўз ишини биладиган, миришкор одам. Тожиниса ая ҳам бригаданинг энг илгор теримчиларидан эди. Юз килодан ошириб пахта терарди. Улар беш ўғил, уч қизни тарбиялаб воёга етказдилар. Эндилда ҳаммаси оилали, уй-жойли бўлишган.

Опоқ соқоли ўзига ярашган, нуруний бу отақоннинг юз-кўзларидан ўтган умридан мамнунлик, хотиржамлик туйғулари, танисихатлик яққол сезилиб турарди.

Фариштали уй экан, дея ҳаёлимдан ўтказдим, чиройли безатилган хонага назар ташлаб.

Тошпўлат отанинг тўнғич ўғли Абдуали боғдорчилик ҳўжалигида ишлайди. «Адиқробода янги уйлар солинганда ўша ерга кўчиб ўтди. Ҳафтада, ўн беш кунда бир келиб кетсаям меҳри бўлакча. Ўзи кишлоқнинг энг қўли ширин ошпазларидан. Одамларнинг хизматини қилиб юрибди. Муҳаммадхон туман газлаштириш идорасида меҳнат қилади. Ёшу қаридан ширин сўзини аямайди. Рўзатали ҳўжаликда боғбон. Абдумутал ва Шералилар ҳам дала ишида. Умуман, уларнинг ҳаммаси ҳалол меҳнат қилиб, риқзларини териб юрибди. Отанинг фарзандларидан кўнгли тўқ, энг муҳими, фарзандлари аҳил, бири-бирига меҳрибон.

Бир пиёла чай баҳона Тошпўлат ота билан анча вақт суҳбатлашиб ўтирдик. Кўп бамаъни гапларни гапирди қарияси тушмагур. Агар ҳар бир хонадон бошлиғи Тошпўлат Ўйлошев сингари иш юритса эди! Ана унда Ўзбекистонимиз чинакам гулистон бўлиб кетарди.

Абдурахмон ЖўРА.

МУТОЛАА

Ўзбек таржимашунослик мактабининг асосчиси бўлиб, зукко ижодкор Файбуллоҳ ас-Саломнинг «Шарқ» нашриётида chop этилган «Эй, умри азиз» китобини ўқиб тугатишим ҳаманоқ ҳаёлимга севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг куйидаги сатрлари келди:

*Турфа туйғулари хуш кўрдим гоёат,
Дунёнинг ўзи ҳам рағибни ниҳоят!
Бокма ажабланиб сатрларинга,
Бахтим ривоятдир, гамим ҳикоят...*

Китобнинг ҳар бир сатри инсон қадр-қўрғаматидан сўз очади. Тириклик одам боласи учун жуда катта синов эканлигиндан огоҳ этади. Муаллиф олтимиз йилдан ошиқ вақт ичида ўз бошидан кечирган, кўрган-билган воқеалар ва одамлар ҳақида мушоҳада қиладди. Хусусан, одамлар ҳақида яхшилигини ошириб, ёмонлигини яшириб ёзди. Муаллиф хотира баҳона кимдир бадонмо қилишни сира ҳаёлига кел-

тирмайди. Унинг ҳар бир сўзида самимий ният барқ уриб туради. Умр йўлидаги яхши-ёмон кунларидан ўқувчи учун ибрат бўлади-ган воқеаларни қаламга олади.

Китоб саҳифаларида

ҳикоя қилинган жамики воқеалар ва инсонлар тақдирига ҳақ ва адолат ўлчови билан баҳо берилади. Ўқувчи сатрлар ортда муҳассама ибрат ва огоҳни теран ҳис этади. Китобда жамланган ибратомуз воқеалар орқали ҳисобли дунёда ҳар ким ўз аъмолига яраша жазо ёки муқофот олиши биз билган ва билмаган шахслар тақдирини мисолида ҳикоя қилинади.

Китобдан ўрин олган «Итмом ҳим шунча совуқ бўладими?», «Икки дисертация ва тўрт ҳимоя» сингари ҳикоятларда шўро замонининг қусуру носозлик-

лари, қатлу қағонлари хусусида сўз юритилган. Zero ўша замонларнинг ноинсоний тартибот ва тузуқлари кўплаб истеъдод соҳибларининг йўлига гов, умрига зомин бўлганини аён ҳақиқатдир.

Гурури халқни ениб ҳам, бўйсундириб ҳам монанд китоб фасллари ҳам такрорланмас ўз мазмуни ва қиёфасига эга. Файбуллоҳ ас-Салом домла умрини, истеъдодининг асосий қисминини таржимашунослик назариясини яратишга бахш этган инсондир. Домланинг сайъ-ҳаракатлари туфайли Тошкент давлат университети-

чиликлари, бу соҳадаги муаммолар куйинчаллик билан таҳлил қилиниб, гоат муҳим таклиф ва фикрлар баён қилинади. «Таржима — тил ва тафаккурнинг бузилмас иттифоқи, муқофоси, ширин ҳосили ўлароқ, табиат инсонга ато этган улғу неъмат, ажойиб мўъжиза.

Файбуллоҳ ас-Салом

Эй, умри азиз

ДУНЁ РАНГЛАРИ

бўлмайди. Гурур ўз-ўзидан пайдо бўладиган нарсам эмас. Ўз халқи, Ватани тарихини яхши билган, қадриятлар ва анъаналарни қадрлай оладиган, комил билимдон, жасоратли инсондагина гурур бўлади. Муаллиф айни ҳақиқатни «Темурий рақс» деб номланган ҳикоясида бир воқеа баҳона ўта таъсирчан ифода этганки, фақат ҳақгўйлик, чўқур билим, собит эътиқодига тан олинми, ҳурмат-эътирофга мушарраф бўлишини англаймиз.

Дарвоқе, китоб 10 фаслдан иборат. Мундарижаси шундай тартиб берилган. Худди табиат фаслларига

Таржима бор экан, халқлар бир-бирлари билан доимий жонли мулоқотда, адабиётлар бир-бирига вобаста, бир-бирдан баҳраманд. Таржима бор экан, фикр-фикрлар сув ичади, бойиёди, ўткирлашади», — деб ёзди муаллиф. Домла сарлавҳалардан бирини «Таржима салтанати» деб атаганлар.

Ҳақиқатнинг йўли машаққатли бўлади, деишади. Ҳақпарвар инсоннинг йўли эса янада мушқулроқ, янада огирроқ, жабр-ситамларга тўла бўлишини китоб муаллифи ҳаёти мисолида ўқувчи яна бир бор англаб етади. Бироқ алал-оқибат ҳақ ва адолат барибир гоёли

келишига, зулмат ортида ёруклик борлиги исботига ҳам шу китоб орқали яна бир марта амин бўлади. Адолатсизликнинг умри қисқа, ҳақнинг умри эса абдий, деган ҳулосага келади китобхон. Китоб сизу бизни одамларга яхшилик қилишга шоширади. Биз бугун юрт ва халқимиз раванқи йўлида собит иймон билан меҳнат қилишимиз, умримизни ўтқинчи нарсаларга қўрбон қилмаслигимиз, доимо бир-биримизнинг қадримизга етишишимизга ундайдиган ибратомуз фалсафа «Эй, умри азиз»нинг бош гоёсидир.

Жалолиддин САФОЕВ.



«Зомин лоласи»нинг ёни йитирма бешта етди. Бу бадий ҳаваскорлик дастан билан бирга таваллуд топган чақалоқ ҳам чорак асрни яшаб қўйди.

Ваҳодатли мазкур жамоада ишловчиларнинг ўртача ёши ҳам ана шу атрофда. Фотомуҳбиримиз Тулқин Каримовнинг таъкидлашича, дастаннинг иккиторада қатнашчиси Анароҳон Умметова (суватла) ҳам «Зомин лоласи» билан тешиқур.

Эркақлар бақувват бўлиши керак



Шаҳар дорихоналарига мувожаат қилинг.

ЛУҚМА ВАЪДАБОЗ БОШЛИҚ

Андижон туманининг Дархон маҳалласида истикомат қилувчи 1-гурух уруш ноғирони Жўрабой ота Содиқов уйига телефон тушуворали юз-юзга чорчади. Энди бу вазифини афгон урушида қатнашган ўғли давом эттирмакда.

«Сизга ҳақиқатан ҳам телефон зарур экан. Тушуриб берамиз, кутинг». Куйганёр электр алоқа боғламаси мутасаддиларидан ана шундай ваъдалар олинганда Жўрабой отанинг қалди тик, ўзи бардам эди. Орадан йиллар ўтди. Бирок...

— Кексалик курсин, болам, хотиранг ҳам шамчи-роқ бўлиб қоларкан. Ушандан кейин тилпон бошлиқларига неча марта атрофда. Фотомуҳбиримиз Тулқин Каримовнинг таъкидлашича, дастаннинг иккиторада қатнашчиси Анароҳон Умметова (суватла) ҳам «Зомин лоласи» билан тешиқур.

Йил ҳам ўтиб кетди, — хўрсинади ўғил. Ниҳоят биз ота-боланинг талаб ва истакларини туман ҳокими элтдик. Ҳоким эса тўхтовсиз Куйганёр электр алоқа боғламаси бошлиғи У. Маҳмудбоевга етказди. Бошлиқ амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига энг осан ва қўлай йўлни — навбатдаги ваъданомани битди:

«Бу масала боғламанинг 22.08.97 йилги йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Бош муҳандис А. Ҳошимов аҳолидан, айниқса уруш ноғиронларидан тушган аризаларга яхши эътибор бермаганлиги ва қўл остида қолдирилган нисбатан талабчанлиги нусайтириб юборганлиги учун қаттиқ

танқид остига олинди, келажакда юқоридоғи сарсонгарчилик қайтарилса мазмурий жазо қўллашни ўқтирилди ҳамда Ж. Содиқов хонадонига 1997 йилнинг 20 декабрига қадар телефон ўрнатиб бериш юклатилди.

Жўрабой ота юқоридоғи ваъданоманинг бир нусхасини қўлига олар экан. У. Маҳмудбоевнинг панжарагўлчин имзосини кўргач, ҳафсаласи пир бўлиб деди:

— Елғончи болам-а, ёшини яшаб, очини ошаб бўлган мендай қарияни алдаганнинг етмагандай ҳокимиям, газетадан келган муҳбир боламаним қўйини пуч ёнғоққа тўлдирибсан-да. Мана, кунлар, ойлар ўтиб бораёпти, Жўрабой ота айтганидай, телефондан ҳамон дарак йўқ.

У. ШОДНОМАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

ОЛИМПИАДА ХАБАРЛАРИ

XVIII қишқи олимпиада ўйинлари пайтида тартибсизликка йўл қўйилмайдми, деб баёнот берди олимпиада хавфсизлиги хизмати бошлиғи Асата Хари.

Маълумотларга қараганда, олимпиада хавфсизлигини таъминлаш мақсадига Япониянинг бошқа ҳудудларидан келган 6 мингта яқин полиция ходими Нагано шаҳрида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, уларга минг нафардан ортиқ кўнгилчилар гуруҳи ҳам яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

«Нагано-98» олимпиада ўйинлари тобора қизғин тус олаётди. Спортчилар дастлабки

ғалабаларни қўлга кирита бошлашди. 72 спортчи ўртасида бўлиб ўтган чанғичилар мусобақасида финляндиялик Мика Мюллол биринчи ўринни эгаллади. ***

Конқида якка учиб бўйича германиялик Георг Хакл олимпиада олтин медалини учинчи бор қўлга киритди. 31 ёшли бу спорт устаси 1992 йили Албервил ва 1994 йилги Лиллекхаммер олимпиадасида ҳам энг юқори поғонани эгаллаган эди. Г.Хакл олимпиада ўйинлари тарихида бирин-кетин уч марта олтин медални қўлга киритган олтинчи спортчининг бири бўлди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 1998 йил январь ойининг иккинчи ярми бўйича маълумот)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Вольфрам руда конлари захираларига нисбатан таснифлашни қўллаш тўғрисидаги Вақтинчалик йўриқнома. ЎзР Давлат геология қўмитаси томонидан тасдиқланган.
1998 йил 19 январда 396-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

2. Кўрғошин ва цинк рудалари конлари захираларига нисбатан таснифлашни қўллаш тўғрисидаги Вақтинчалик йўриқнома. ЎзР Давлат геология қўмитаси томонидан тасдиқланган.
1998 йил 19 январда 397-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

3. Магматик руда конлари захираларига нисбатан таснифлашни қўллаш тўғрисидаги Вақтинчалик йўриқнома. ЎзР Давлат геология қўмитаси томонидан тасдиқланган.
1998 йил 27 январда 398-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

4. Карбонат руда конлари захираларига нисбатан таснифлашни қўллаш тўғрисидаги Вақтинчалик йўриқнома. ЎзР Давлат геология қўмитаси томонидан тасдиқланган.
1998 йил 27 январда 399-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

5. Каолинлар конлари захираларига нисбатан таснифлашни қўллаш тўғрисидаги Вақтинчалик йўриқнома. ЎзР Давлат геология қўмитаси томонидан тасдиқланган.
1998 йил 27 январда 400-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

6. Ер остидан фойдаланганлик учун солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.
1998 йил 29 январда 401-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

7. Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома. ЎзР Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон касабасига уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.
1998 йил 29 январда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинганда солиқлар тўғрисида»ги Қонунининг ер остидан фойдаланганлик учун солиқ солиши қисминини қўллаш тўғрисидаги Вақтинчалик йўриқнома. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.
1995 йил 16 февралда 125-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

2. Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. ЎзР Меҳнат вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ижтимоий сўғурта жамғармаси томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон касабасига уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.
1995 йил 15 сентябрда 174-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча сақлаш омборларини ташкил қилиш ва ишлатиш тўғрисидаги Низом. Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.

2. Ер ости магистрал муҳандислик коммуникацияларига ер остидан фойдаланганлик учун солиқ солиш тўғрисидаги Тушунтириш хати. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.

3. Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо товарлари билан автотранспорт воситаларининг қириқчи, чиққичи, ҳаракат қилиши ва бўлишини тартибга солиш тўғрисидаги йўриқнома. Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.

IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. Йулвечи ташвиш транспорти корхоналарига солиқ солиш масалалари бўйича Тушунтириш. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.

2. «Ўзбекнефтегаз» Миллий корпорацияси корхоналари ва ташкилотларининг ҳисоб рақамларидан маблағларни ўтказиш навбати тўғрисидаги Вақтинчалик тартиб. ЎзР Молия вазирлиги, ЎзР Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбекнефтегаз» МК, Узсанотқурилишбанк томонидан тақдим этилган.

3. Тижорат банклари тўғрисида 1998 йилда иш ҳақиқа маблағларини бериш тартиби. ЎзР Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Макроиктисодий ва статистика вазирлиги, Марказий банк ва Пул-кредит сўбаси бўйича комиссияси томонидан тақдим этилган.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан бож тўловларидан озод қилиниб олиб кириладиган товарларнинг меъёрий нормасини қўллаш тўғрисидаги йўриқнома. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.

5. «Сахро олтини» қўша корхонасини солиққа тортиш, бухгалтерлик ҳисобини ва ҳисоботини юритиш тартиби. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.

6. а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига фуқаро ҳаво кемаси авиация халокатлари ва ҳодисаларини тергов қилиш тўғрисидаги Низом;
б) Фуқаро авиациясининг учувчилари, курсантлари, диспетчерларнинг тартибига кирувчи шахсларни, борт кузатувчилари ва фуқаро авиацияси ўқув юртлигига кирувчи номзодларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низом;

в) Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлиги устида назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш бўйича Қўлланма (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳулосаси асосида қайта ишлаб чиқилган). «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконпанияси томонидан тақдим этилган.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган товарларнинг айрим турлари учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан ақид солигини тўлаш тўғрисидаги йўриқнома. ЎзР Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.

Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Хўқ ва қўнуқчилик 136-07-94;
Иқтисодий 136-36-65;
Қишлоқ ҳўжалиги 136-37-85;
Маънавий 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқро ҳўдэт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртама Г — 0984, 41579 нуехалд босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган.
Қозғ бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди
ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва
Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.